



XALQ DEPUTATLAR JIZZAX VILOYATI KENGASHINING QARORI

2022 - yil 20 - may

VI-35-145-3-0-K/22

Jizzax viloyati hokimligi

Вилоятда “Кутубхонлик ҳафталиги” доирасида ўтказилган тадбирларни ташкиллаштиришдан ҳосил бўлган қарздорликларни қоплаш тўғрисида

Вилоятда “Кутубхонлик ҳафталиги” доирасида ўтказилган тадбирларни ташкиллаштиришдан ҳосил бўлган қарздорликларни қоплаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6-, Бюджет кодексининг 126-моддаларига асосан Халқ депутатлари вилоят Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Вилоят Молия бош бошқармаси (А.Рахматуллаев)га вилоят маҳаллий бюджетининг эркин қолдиқ ва даромадлар режасининг ошириб бажарилган қисми маблағлари ҳисобидан Шароф Рашидов номидаги Жиззах вилоят Ахборот-кутубхона марказига 297 120,0 (икки юз тўқсон етти миллион бир юз йигирма) минг. сўм маблағ ажратиш вазифаси топширилсин.

2. Шароф Рашидов номидаги Жиззах вилоят Ахборот-кутубхона маркази (Г.Қудратова)га ажратилган маблағдан мақсадли фойдаланиш вазифаси юклансин.

3. Вилоят Ғазначилик бошқармаси (З.Маллаев)га харидларнинг Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуни талабларига риоя қилган ҳолда амалга оширилиши устидан қатъий назорат ўрнатсин.

4. Давлат молиявий назорати вилоят бошқармаси (И.Собиров)

ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланилиши устидан назорат ўрнатсин.

5. Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг Таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, спорт ва ижтимоий ҳимоя масалалари бўйича доимий комиссияси ҳамда вилоят ҳокимининг ўринбосари в.в.б А.Дарханов ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланишни назорат қилишга масъул эканлиги белгилаб қўйилсин.

6. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш, Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг Маҳаллий бюджет, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси ҳамда вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Мустанов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Э.Салиев